

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСИДА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Махмудова Дилбар Рахмоновна

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7070671>

**Аннотация.** Мазкур мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнес бошқарувини шакллантириш масалаларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилган бўлиб, бу борада хориж олимлари тадқиқотлари ўрганилган. Шунингдек, бизнес бошқарувини такомиллаштиришида рақамли иқтисодиётнинг таъсири, роли, ривожланиш босқичлари ва афзалликлари хусусида тўхталиб ўтилган. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ҳолати атрофлича очиб берилган. Ривожланиш босқичлари бўйича рақамли иқтисодиёт категориясига олимларнинг қараишлари назарий таҳлил қилинган. Илмий ва амалий аҳамиятга эга хулосалар қилинган. Муаллиф томонидан мавзуга оид янги таъриф ва янги термин ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, кичик бизнес, тўртинчи саноат инқилоби, кичик бизнес бошқаруви, инновацион технологиялар, бизнес платформа, бизнес модел, бизнес трансформацияси, рақамли бизнес иқтисодиёти.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ МАЛЫМ БИЗНЕСОМ НА ОСНОВЕ ФОРМИРОВАНИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

**Аннотация.** В статье с научно-теоретической точки зрения исследуются вопросы формирования управления малым бизнесом в условиях цифровой экономики, исследуются научные взгляды зарубежных ученых. Также обсуждались влияние, роль, этапы развития и преимущества цифровой экономики в улучшении управления бизнесом. Выявлено состояние цифровой экономики в Узбекистане. Теоретически проанализированы взгляды ученых на категорию цифровой экономики по этапам развития. Сделаны выводы, имеющие научное и практическое значение. Автор разработал новое определение и новый термин по теме.

**Ключевые слова:** цифровая экономика, малый бизнес, четвертая промышленная революция, управление малым бизнесом, инновационные технологии, бизнес-платформа, бизнес-модель, трансформация бизнеса, экономика цифрового бизнеса.

## IMPROVING THE SMALL BUSINESS MANAGEMENT SYSTEM BASED ON THE FORMATION OF A DIGITAL ECONOMY

**Abstract.** The article examines the formation of small business management in the digital economy from a scientific and theoretical point of view, and examines the scientific views of foreign scientists. The influence, role, stages of development and advantages of the digital economy in improving business management were also discussed. The state of the digital economy in Uzbekistan has been revealed. Theoretically analyzed the views of scientists on the category of digital economy by stages of development. Conclusions of scientific and practical importance are drawn. The author has developed a new definition and a new term on the topic.

**Keywords:** digital economy, small business, fourth industrial revolution, small business management, innovative technologies, business platform, business model, business transformation, digital business economy.

Рақамли иқтисодиётни шакллантиришнинг асосини иқтисодиёт ва жамиятни рақамлаштириш жараёни ташкил этади. Рақамлаштириш жараёни босқичма-босқич иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларини қамраб олади. Айниқса, иқтисодиётнинг кудратли катализаторларидан бири бўлган кичик бизнесга ўз таъсирини ўтказиб, уни такомиллаштириши билан бирга ўзининг ҳам яъни, рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига эришилади. Рақамли технологияларнинг оммавий жорий этилиши жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ўзгаришига олиб келади.

Ҳозирги кунда тўртинчи саноат инқилоби даврини бошлаган ривожланган мамлакатларда ҳам рақамли иқтисодиёт аввало кичик бизнесда намоён бўлиши билан аҳамиятли. Кичик бизнеснинг ўзи рақамли иқтисодиётни ривожлантиришининг асосий драйверладан бири эканлиги билан диққатга сазовордир. Мазкур ҳолат айниқса, ривожланаётган мамлакатлар кичик бизнесини, тараққиётнинг анъанавий моделидан инновацион моделига ўтиши лозимлигини тақозо этади.

Кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда рақамли иқтисодиёт ютуқларини жорий қилиниши ўз навбатида дастлаб бу тушунчанинг моҳиятини изчил таҳлил қилиш билан боғлиқ. Рақамли иқтисодиёт, унинг ўтмиши, бугунги ҳолати ва келажакдаги ривожланиш истиқболларини аниқлаш, биз танлаган мавзудаги илмий-назарий изланишларимизнинг нечоғлиқ долзарб эканлини англатади. Рақамли иқтисодиётнинг моҳиятини, кўлланини, унинг ривожланиш босқичларини аниқлашда аввало бу тушунча тўғрисида аниқ тасаввур ва назарий билимларнинг бўлиши заруриятини келтириб чиқаради.

Илмий тадқиқотимиз мавзуси доирасида амалга оширилган изланишларимиз рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришга оид масалалар ҳам ушбу тушунчани тўғри талқин этишни талаб қилади. Бундан келиб чиқадиган савол шундан иборатки, кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда рақамли иқтисодиётнинг таъсири, роли ва унинг ривожланиш босқичларини ўрганиш қанчалик аҳамиятли? Рақамли маконнинг кичик бизнес фаолиятида янги инновацион технологиялар, бизнес платформалар ва бизнес моделлари асосида юритилиши қанчалик самарали деган саволлар туғилиши табиий. Бу каби саволлар, кўпинча рақамли иқтисодиётнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичида бўлган мамлакатларда қўлланилса, тўртинчи саноат инқилоби даврини бошлаган давлатлар бундай турдаги саволлардан мустаснодир. Негаки, рақамли иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар кичик бизнесини инновацион технологияларсиз тасаввур қилишлари қийин. Шу сабаб, кичик бизнес бошқарувини рақамли иқтисодиёт шароитида шакллантиришни илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилар эканмиз, бу тушунчага атрофлича тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

## **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

1990-йилларда жаҳон иқтисодиётдаги сифат ўзгаришлари ҳали ҳам, рақамли иқтисодиётнинг асоси бўлган интернетнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан боғлиқ ҳолда кечмоқда. Кейинчалик 2000-2010 йилларда ахборот-коммуникация технологияларининг (АКТ) ривожланиши иқтисодий тизимдаги ўзгаришлар учун шарт-шароитларни яратди. Бу жараён рақамли сенсорларнинг тобора кўпайиб бораётган қурилмаларига (Internet of things) киритилиши, янги шахсий қурилмалар (мобил телефонлар, смартфонлар, планшетлар, ноутбуклар, 3D босиб чиқариш қурилмалари), янги рақамли моделларни яратиш (булутли ишлов бериш, рақамли платформалар,

рақамли хизматлар), катта маълумотлар (Big date) технологиясидан фойдаланган ҳолда маълумотлар массивларидан фойдаланишнинг ўсиб бораётган интензивлиги, маълумотларни таҳлил қилишнинг янги усуллари ва қарорлар қабул қилиш алгоритмлари, шунингдек, янги автоматлаштириш ва роботлаштириш жараёнлари билан босқичма-босқич ривожланди. “Ахборот технологиялари, робототехника, микроэлектроника, телекоммуникация каби соҳалардаги инқилобий силжишлар нисбатан янги ва муҳим ходиса-рақамли иқтисодиётни келтириб чиқарди”.

Ушбу технологиялар жамиятнинг барча жабҳаларига кириб бориши натижасида “ишлаб чиқаришда меҳнат самарадорлигининг ошиши, бизнеснинг рақобатбардошлигининг ўсиши, ишлаб чиқаришдаги харажатларнинг камайиши, янги иш ўринларининг яратилиши, янги замонавий касбларнинг пайдо бўлиши” га олиб келди. Аммо, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, рақамли иқтисодиётнинг кўлами кенг тушунчадир ва у глобал миқёсда нотекис тақсимланган. Рақамли иқтисодиётнинг ЯИИМдаги улуши АҚШда 10,9, Хитойда 10, Ҳиндистонда 5,5 фоизни ташкил этади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 2 фоиздан ҳам ошмайди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг таркибий қисмларига электрон тижорат, "Электрон ҳукумат" тизими, иқтисодиётнинг турли тармоқларида, хизмат кўрсатиш соҳаларида "ақлли" (smart) технологияларни жорий этиш, "Ақлли шаҳар", "Хавфсиз шаҳар"ни яратиш, шунингдек “Буюмлар Интернети”дан кенг фойдаланиш ва бошқалар киради. Лекин шуни айтиш лозим-ки, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт “Ўзбекистон потенциали”га нисбатан анча суст ривожланмоқда. Мамлакатда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда инфротузилмаларнинг роли қониқарли даражада бўлсада, керакли ресурс ва имкониятлар мавжуд. Шу ўринда мамлакатимиз миқёсида рақамли иқтисодиётни ривожланишида тўсиқ бўлаётган айрим жиҳатларни очиб беришни мақсад қилиб қўйдик. Булар, интернет тезлигининг пастлиги, ахборот технологиялари соҳасида қонунчиликнинг замондан орқада қолганлиги, фуқароларда компьютер саводхонлигининг ўта пастлиги, ахборот технологиялари бўйича мутахассисларнинг етишмаслиги ёки уларни бошқа мамлакатларга кетиб қолиши, ахборот маданиятининг пастлиги, ахборот технологиялари хавфсизлиги яхши эмаслиги, бошқарув органларида соҳани тушунадиган мутахассисларнинг камлиги, илм-фан ва айниқса аниқ фанларнинг ривожланиши сустиги каби яна бир қатор муаммолар бевосита иқтисодиётнинг нафақат кичик бизнес тармоғи, қолаверса, барча тармоқларини рақамлаштиришда қийинчиликларга сабаб бўлмоқда. Рақамли иқтисодиётнинг географик йўналиши дастлаб ривожланган мамлакатларга қаратилган бўлса, унинг оқибатлари глобал миқёсга эга бўлиб, ривожланаётган мамлакатларга тобора кўпроқ таъсир кўрсатмоқда. Шундай қилиб, рақамли иқтисодиётни таҳлил қилишда унинг ривожланиш ўлчовига жиддий эътибор қаратиш зарур. Юқорида рақамли иқтисодиётнинг Ўзбекистон шароитида қандай таркибий қисмлардан ташкил топганлиги ва қай даражада эканлигини аниқлаган бўлсак, унинг ривожланган мамлакатларда қандай тавсифланишини назарий таҳлил қилмоқчимиз (1 - жадвал).

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Илмий-назарий изланишлар таҳлили шундан далолат бердики, ривожланган мамлакатлар амалиётида рақамли иқтисодиёт категориясига берилган таърифларнинг асосий қисми инновацион технологиялар ва бизнес билан ўзаро боғланган.

## Ривожланиш босқичлари бўйича рақамли иқтисодиёт категориясига берилган таърифлар таҳлили

Манба	Таъриф	Назарий таҳлил
Tapscott, 1996: The Digital Economy: Promise and Peril in the Age of Networked Intelligence New York, NY: McGraw-Hill.	Муаллиф рақамли иқтисодиёт тушунчасини бевосита таърифламайди унинг ўрнига тармоқли разветка даври (Age of Networked Intelligence) тушунчасини қўллайди. Унинг моҳияти “тармоқ технологиялари орқали одамларнинг ўзаро таъсирида ақл, билим ва ижодкорликни бирлашиб ижтимоий капитал ва фаровонликка эришиш”.	Мазкур нашрда “рақамли иқтисодиёт” атамаси биринчи марта қўлланилган бўлиб, унда рақамли иқтисодиёт иқтисодиёт ривожланишининг янги босқичи сифатида бизнесни янги турларининг ва янги технологиялар ўртасидаги муносабатни қандай изоҳлаши ва бир компонент иккинчисининг пайдо бўлишига олиб келишига эътибор қаратилади.
Brynjolfsson, Kahin, 2000b: Understanding the Digital Economy: Data, Tools, and Research/ E. Brynjolfsson, B. Kahin (eds). Cambridge: MIT Press.	“Рақамли иқтисодиёт бу – компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ахборотни рақамлаштириш ҳисобига иқтисодиётнинг барча тармоқларининг тугалланмаган трансформациясидир”.	Муаллиф рақамли иқтисодиётни турли нуқтаи назардан кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлайди-лар. Яъни булар: макроиқтисодиёт, рақобат, меҳнат бозори, ташкилий тузилмадаги ўзгариш-лар кабилар.
Mesenbourg, 2001: Measuring the Digital Economy (US Bureau of the Census) Suitland, MD.	Муаллиф “рақамли иқтисодиёт” тушунчаси учта компонентдан иборат эканлигини таъкидлайди: 1) “электрон операциялар ва электрон тижорат учун фойдаланиладиган бутун иқтисодий инфротузилманинг бир қисми бўлган электрон бизнес инфротузилмаси; 2) электрон бизнес – корхона компьютер тармоқлари ёрдамида амалга оширадиган ҳар қандай операция; 3) электрон тижорат, яъни компьютер тармоқлари ёрдамида сотилган товарлар ва хизматлар ҳажми”.	Муаллиф электрон бизнес ва электрон тижорат феноменини қандай ўлчашга эътибор қаратади.
Knickrehm M., Berthon B., Daugherty P. (2016) Digital Disruption: The Growth Multiplier. Dublin: Accenture.	“Рақамли иқтисодиёт турли “рақамли” ресурслар томонидан яратилган жами ишлаб чиқаришнинг бир қисмидир. Ушбу ресурсларга рақамли кўникмалар, рақамли ускуналар (аппарат, дастурий таъминот ва алоқа) ва ишлаб чиқаришда қўлланиладиган рақамли товарлар ва хизматлар киради. Бу ёндашув рақамли иқтисодиётнинг	Муаллиф рақамли иқтисодиётнинг асосий элементларини энг яхши тарзда қўллаш орқали микро ва макроиқтисодий ўсишни рағбатлантириш чорала-рини кўриб чиқади.

<p>Elmasry T. et al. (2016) <i>Digital Middle East: Transforming the Region into a Leading Digital Economy</i>. New York: McKinsey &amp; Company.</p>	<p>моҳиятини акс эттиради”.</p> <p>Муаллифлар рақамли иқтисодиёт категориясига аниқ таърифни келтирмай-дилар: “бу концепциядан камроқ ва кўпроқ бизнес юритиш усулига эътибор қаратилган ҳолда, кўриб чиқиладиган ҳодисанинг учта атрибутини илгари суради: илғор бизнес соҳаларида қиймат яратади, бизнес жараёнларини оптималлаштиради, мижозлар тажрибасини ҳисобга олади, шунингдек, бутун тузил-мани қўллаб-қувватлайдиган асосий имкониятларни яратади.</p>	<p>Бу ишда рақамлаштиришни ўлчаш, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга кўмаклашиш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда давлат органлари ва бизнес вакиллари учун стратегиялар кўриб чиқилади.</p>
<p>Deloitte, c. a.: <i>What is Digital Economy</i></p>	<p>Рақамли иқтисодит – бу одамлар, корхоналар, қурилмалар, маълумотлар ва жараёнлар ўртасидаги тармоқ ўзаро таъсирининг миллиардлаб мисолларидан келиб чиқадиган иқтисодий фаолият шакли. Рақамли иқтисодиётнинг асосини гиперконнективлик, яъни интернет, мобил технологиялар ва нарсалар интернетини шаклланиши туфайли одамлар, ташкилотлар ва машиналарнинг ўзаро боғлиқликдаги жараёни.</p>	<p>Муаллифлар рақамли технологиялар таъсирининг тўртта асосий йўналишини кўриб чиқадилар: меҳнат бозорининг келажаги, мижозлар билан ўзаро алоқалар, рақамли таъминот занжирлари ва буюмлар интернетини.</p>
<p>Лариса Лapidус: “Стратегии цифрового лидерства” (2019)</p>	<p>Рақамли иқтисодиёт – микро, мезо, макро ва мега барча даражадаги янги муҳитдир. Унинг асосий хусусияти юқори мураккаблик, динамизм ва ноаниқлик-дир. Рақамли муҳит рақобатбардош компанияларнинг бизнес моделларини ўзгартириш, истеъмолчи ҳатти-ҳаракат-ларининг олдиндан айтиб бўлмайдиган траекториялари ва бозорларнинг тез ўзгариши билан оқланади.</p>	<p>Муаллиф рақамли иқтисодиёт тушунчасига объектив ёндашган бўлиб, иқтисодий-ижтимоий соҳаларнинг барча даражаларида-ги янги муҳити сифатида баҳолади. Шунингдек, рақамли муҳитда бизнеснинг ташкил этилишидан тортиб, унинг ташкилий тузилмаси, бошқаруви, харидорлар билан алоқаси ва бозоргача бўлган жараённинг оптималлашувини изоҳлади.</p>

## МУҲОКАМА

Келтирилган таърифлар рақамли иқтисодиёт категориясига берилган таърифнинг иккита энг муҳим таркибий қисмини қайд этган. Масалан, Brynjolfsson ва Kahin ўз ишларида рақамли иқтисодиёт иқтисодиётнинг барча тармоқларининг тугалланмаган трансформацияси сифатида таърифлашса, Mesenbourg ва Elmasry Т. тадқиқотларида рақамли иқтисодиёт бизнесни рақамлаштириш билан шакллантирилишининг бир нечта компонентларини тавсифлашган. Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, рақамли иқтисодиётни шакллантириш бевосита ижтимоий-иқтисодий жараёнларни рақамлаштириш ва трансформациялаш асосида амалга оширилади. Бу эса ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, албатта бизнеснинг дастлабки босқичи бўлган кичик бизнесни трансформациялаш билан бошланади. Биз томонимиздан ишлаб чиқилган таърифнинг негизида ҳам рақамли иқтисодиётнинг туб моҳиятида бизнесни рақамлаштириш кўзланган бўлиб, саноати ривожланган мамлакатлар тадқиқотчи олимлари ишлаб чиқган таърифларнинг мажмуаси сифатида талқин этилган.

Хориж амалиётида иқтисодиётнинг ривожланиш босқичларидан маълумки, рақамли иқтисодиётнинг бизнесга таъсири ёки аксинча бизнеснинг рақамли иқтисодиётга таъсири натижасида истеъмолчиларнинг иқтисодий тизимга онгли равишдаги муносабати иқтисодиётнинг янги турдаги ўзига хос номлар билан талқин этилиши орқали намоён бўлди, яъни: “талабга асосланган иқтисодиёт (*on-demand economy*), мобил иқтисодиёт (*mobile economy*), биргаликдаги истеъмол иқтисодиёти (*sharing economy*), ҳамкорлик иқтисодиёти, викиномика (*wikinomics*), юқори технологияли узатиш иқтисодиёти (*hi-tech gift economy*)”, “платформа иқтисодиёти (*platform economy*), эркин даромадар иқтисодиёти («гиганомика», *gig-economy*)” кабилар рақамли технологиялар пайдо бўлишидан олдин мавжуд бўлмаган иқтисодий фаолиятнинг мутлақо янги бўлган турлари ҳисобланади. Бунга аниқ мисоллар сифатида Google, Facebook, Amazon, eBay, Alibaba, Uber ва Airbnb сингари платформа компанияларини келтириш ўринли. Биз ушбу компанияларни рақамли иқтисодитнинг бир қисми деб ҳисоблаймиз, чунки улар инновацион рақамли технологиялар ва рақамли бизнес моделларига асосланган рақамли платформалардир.

### ХУЛОСА

Демак, қилган таҳлилимиз натижаси рақамли иқтисодиётнинг асосий қисми бизнеснинг рақамлаштирилиши билан ривожланар экан, иқтисодиётнинг янги турдаги номланишини тақозо этдмоқда. Яъни иқтисодиётнинг ривожланиш босқичлари бўйича унга мос ҳолда унинг номланиши ҳам юқорида турлича талқин этилмоқда. Биз эса бизнесни рақамли иқтисодиётнинг ажралмас қисми сифатида таърифлаб, рақамли иқтисодиётни шакллантиришда асосий ролни кичик бизнесни рақамлаштириш билан боғлиқ деган хулосага келдик ва “**Рақамли бизнес иқтисодиёти**” (**digital business economy**) терминини ишлаб чиқдик.

**Рақамли бизнес иқтисодиёти** – бу бизнес жараёнларига техника -технологиялар, инновациялар тадбиқи натижасидаги оптималлашув бўлиб, янги бизнес моделлар ва платформаларнинг бевосита рақамли иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи кучидир.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган янги “рақамли бизнес иқтисодиёти” терминининг фанда қанчалик аҳамиятли эканлиги Буюк Британия Глобал тараққиёт институти етакчи илмий ходими Б. Румана ва шу институт профессори Х. Ричард олиб борган тадқиқот ишларида рақамли иқтисодиётнинг уч босқичли даражасини очиб

берилиши билан аниқлаш мумкин. Муаллифлар рақамли иқтисодиётнинг даражаларини таснифлашда уларнинг биринчи босқичи бўлган “рақамли сектор” ёки бошқача айтганда “IT сектори”, “АКТ сектори” номларини қўллаган. Рақамли иқтисодиёт ривожланиш босқичининг учинчи даражаси сифатида рақамлаштирилган иқтисодиёт тушунчасини биринчилардан бўлиб келтириб ўтишган.

1 -расм



Келтирилган моделдан кўриниб турибди-ки, рақамли иқтисодиётнинг учала босқичида ҳам бизнеснинг рақамли технологиялар асосида шаклланган кўринишлари келтирилган ва бизнеснинг ўзи ҳам бу даражаларни шаклланишининг асосини ташкил этган. Муаллифларнинг таъкидлашича, “рақамли иқтисодиётнинг асосини IT соҳаси ташкил этади, аммо рақамли иқтисодиётнинг чегаралари у билан чекланиб қолмайди ва ривожланаётган рақамли бизнес моделларининг бир қисмини қамраб олади”. Демак, биз ишлаб чиққан янги термин “рақамли бизнес иқтисодиёти” рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида ўз номини тўла оқлайди десак муболаға бўлмайди.

## REFERENCES

1. Бирлашган миллатлар ташкилотининг савдо ва ривожланиш конференцияси 04.09.2019 й.
2. Хўжамкулов. Олий мажлис Қонунчилик палатаси депутати. “Ўзбекистон минтақавий IT-марказга айланиши лозим”. Халқ сўзи 2022 йил 20 апрель, №81 (8143).
3. Новосельцева Г.Б., Рассказова Н.В. Перспективы малого бизнеса в цифровой экономике // Вопросы инновационной экономики. – 2020. – Том 10. – № 1. – С. 521-532.
4. Лариса Лapidус: “Стратегии цифрового лидерства” (2019) <https://www.arms-expo.ru/news/armed-forces/larisa-lapidus-strategii-tsifrovogo-liderstva/>
5. Accenture (2016) Platform Economy: Technology-driven Business Model Innovation from the Outside In, Dublin. [https://www.accenture.com/t20160823T222808\\_w\\_us-en/\\_acnmedia/Accenture/Omobono/TechnologyVision/pdf/Platform-Economy-Technology-Vision-2016.pdf](https://www.accenture.com/t20160823T222808_w_us-en/_acnmedia/Accenture/Omobono/TechnologyVision/pdf/Platform-Economy-Technology-Vision-2016.pdf)
- 6.
7. Brynjolfsson, Kahin, 2000b: Understanding the Digital Economy: Data, Tools, and Research/ E. Brynjolfsson, B. Kahin (eds). Cambridge: MIT Press.
8. Tapscott, 1996: The Digital Economy: Promise and Peril in the Age of Networked Intelligence New York, NY: McGraw-Hill.  
doi: 10.18334/vinec.10.1.100580. <https://elibrary.ru/item.asp?id=42676121>
9. OECD Digital Economy Outlook 2015 <https://www.oecd.org/sti/oecd-digital-economy-outlook-2015-9789264232440-en.htm>
10. Azimovna M. S., Shohrukhovich U. S. THE ROLE OF AGRICULTURAL PRODUCTS IN THE FOREIGN TRADE TURNOVER OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 6. – С. 110-112.
11. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази шарҳи: Ўзбекистонда тўрт йил ичида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш. 6.05.2021. <https://review.uz/oz/post/obzor-centra-ekonomicheskix-issledovaniy-i-reform-razvitie-cifrovoy-ekonomiki-v-uzbekistane-za-chetre-goda>
12. Бирлашган миллатлар ташкилотининг савдо ва ривожланиш конференцияси 04.09.2019 й.
13. Rakhmonovna M. D. A System of Government Regulation and Support Measures to Improve Small Business Governance in the Digital Economy //Academic Journal of Digital Economics and Stability. – 2022. – Т. 14. – С. 93-97.
14. Azimovna M. S. IMPROVING THE STUDY OF CONSUMER BEHAVIOR //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – С. 109-112.
15. Rakhmonovna M. D. Foreign Experience In Regulating And Supporting Small Business By The State //Eurasian Journal of History, Geography and Economics. – 2022. – Т. 5. – С. 22-26.
16. Rakhmonovna M. D. TASKS AND SOLUTIONS TO IMPROVE SMALL BUSINESS IN THE DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY //Conferencious Online. – 2021. – С. 57-60.
17. Rakhmonovna M. D. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT



18. Rakhmonovna M. D. UNDERSTANDING THE ESSENCE OF ENTREPRENEURSHIP AND BUSINESS IS THE BASIS FOR IMPROVING SMALL BUSINESS MANAGEMENT.
19. Azimovna M. S. et al. Analysis of the main economic and marketing indicators of FE" DAKA-TEX" LLC //ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603. – 2022. – T. 11. – №. 06. – C. 4-7.
20. Makhmudova D., Kholikulov A. FINANCIAL SUPPORT OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Интернаука. – 2020. – №. 4-3. – C. 38-39.
21. Rakhmonovna, Makhmudova Dilbar. "RESEARCH PARK." (2021).
22. Dilbar, M. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT.
23. <https://www.arms-expo.ru/news/armed-forces/larisa-lapidus-strategii-tsifrovogo-liderstva/>
24. <https://www.census.gov/content/dam/Census/library/working-papers/2001/econ/umdigital.pdf>
25. <http://www.mckinsey.com/global-themes/middle-east-and-africa/digital-middle-east-transforming-the-region-into-a-leading-digital-economy>
26. <https://www2.deloitte.com/mt/en/pages/technology/articles/mt-what-is-digital-economy.html>
27. <https://www.texnoman.uz/post/raqamli-iqtisodiyot-nima.html>